

УЎТ: 633.11-631.52

**ЮМШОҚ БУҒДОЙНИ МАҲСУЛДОР ВА ҲОСИЛДОР ТИЗМАЛАРНИ  
ТАНЛАШ**

**Бойсунов Нурзод Бекмуродович**  
**Норбоева Дилноза Солижон қизи**  
**Тиловов Мелс Шарифбоевич**  
*Тадқиқотчилар*

*Жанубий деҳқончилик илмий тадқиқот институти,  
Қашқадарё вилоят, Қарши шаҳри,  
E-mail: [nurzod.bosunov@mail.ru](mailto:nurzod.bosunov@mail.ru)*

**Аннотация:** ушбу мақолада юмшоқ буғдойнинг рақобатли навсинаш кўчатзорида ўрганилаётган нав ва тизмаларнинг бошоқ узунлиги, бошоқчалар сони, ҳосилдорлик кўрсаткичлари бўйича танлаш ишлари амалга оширилган.

**Калит сўзлар:** юмшоқ буғдой, селекция, танлаш, нав, тизма, ҳосилдорлик.

**Аннотация:** в данной статье были проведены селекционные работы по длине колоса, количеству колоса, показателям продуктивности изучаемых сортов и образец в конкурентном сеянце мягкая пшеница.

**Ключевые слова:** мягкая пшеница, селекция, отбор, сорт, образец, урожайность.

**Abstract:** this article, the selection of varieties and ridges studied in the competitive varietal nursery of bread wheat on the length of the spike, the number of spikes, yield indicators.

**Keywords:** breed wheat, selection, select, variety, sample, line yield.

Марказий Осиёда хусусан Ўзбекистонда аҳоли сониниг ортиб бориши натижасида, нон ва нон маҳсулотларига бўлган талаб йилдан-йилга ортиб бормоқда, шу сабабли юқори ҳосилдор ва дон сифати ва нонбоблиги юқори бўлган буғдой навларини яратиш олимларимиз олдида турган устивор вазифа ҳисобланади [2].

Бу борада, Жанубий деҳқончилик илмий тадқиқот институти суғориладиган майдонларда илмий тадқиқот ишларини олиб бориш бўйича Қарши бўлими дала тажриба майдонида юмшоқ буғдойнинг рақобатли навсинаш кўчатзори ташкил қилинган бўлиб, янги навларни яратиш учун селекция ишлари амалга оширилмоқда.

Тадқиқот объекти сифатида юмшоқ буғдойнинг 35 та констант ҳолатга келган тизмалари 30 м<sup>2</sup> майдонда синовдан ўтказилди. Андоза нав сифатида суғориладиган майдонлар учун катта майдонга экиладиган юмшоқ буғдойнинг Гром, Бунёдкор, Ғозғон ва Шамс, навлари олинди.

Буғдой ўсимлиги маҳсулдорлиги буғдой селекциясида муҳим аҳамият касб этади. Маҳсулдорлик ҳосилдорликни белгилашда энг муҳим белги хусусиятларни ўзида мужассам қилган ва улар бир-бири билан узвий боғлиқдир [1;2;3]. Маълум бир унсурлар навдорлик хусусиятига мутаносиб равишда ирсиятга боғлиқ ва унчалик катта бўлмаган ўзгаришлар орқали ўзгариши мумкин (бошоқ узунлиги, бошоқдаги


дон сони) ва ташқи шароит омиллари ва йиллар мобайнида, ўсимликнинг ўстирилиш шароитига қараб ўзгариши мумкин [4;5]. Ҳосилдорлик бир хил бўлганлиги билан унинг структуравий тузилиши ҳар хил бўлиши мумкин ва маҳсулдорликни оширишда тизмаларга қўйилаётган талаб ўзгачадир.

Буғдой селекциясида маҳсулдорликни белгилаб танлаб олишда асосан 3 хил белгига эътибор берилади: йирик бошоқли ва ўрта бошоқли ўсимликка, маҳсулдор тупланишга, дон йириклигига. Бизнинг тадқиқотларимизда ҳар бир белгига алоҳида эътибор берилди.

Тадқиқот натижаларига кўра, бошоқ узунлиги андоза Ғозғон навида 7,7 см, Бунёдкор 9,3 см, Шамс навида 8,7 см, Гром навида 9 см бўлганлиги ўлчов натижаларига кўра аниқланди. Бошоқ узунлиги 10,3 см бўлган UZ15PC-58 тизмаси энг юқори кўрсаткични ташкил этганлиги аниқланди.

Бошоқдаги бошоқчалар сони муҳим биометрик кўрсаткичлардан бири бўлиб, юқори ҳосил берувчи навларда бошоқчалар сони нисбатан кўпроқ бўлади ва бу белги навнинг генетик хусусиятларига киради. Бошоқдаги дон сонига қараб тизмалар танлаб олинган бўлса, сермахсул намуналарни танлаб олиш имконияти анча ошади. Бошоқдаги бошоқчалар сони кўрсаткичи аниқланганда UZ15PC-58 тизмаси барча андоза навлардан юқори натижани ташкил қилди ва танлаб олиниб селекция ишларида фойдаланишга тавсия этилди.

Олиб борилаётган тажрибада андоза навлар сифатида олинган Ғозғон навининг ҳосилдорлиги 68,6 ц/га ни, Бунёдкор навининг ҳосилдорлиги 69,6 ц/га, Шамс нави 70,5 ц/га ҳосилдорликни кўрсатган бўлса, Гром навида 58 ц/га ҳосилдорликни ташкил қилди. Юқорида номлари келтирилган андоза навлар ва бошқа тизмаларга нисбатан UZ15PC-58 тизмаси юқори ҳосилдорлик кўрсаткичини намоён қилди (1-расм).



**1-расм.** UZ15PC-58 тизмасининг бошоқ узунлиги, бошоқчалар сони, ҳосилдорлик кўрсаткичлари бўйича андоза навлардан фарқи.

Хулоса ўрнида шуни такидлаш жоизки, дурагай тизмаларнинг барча кўрсаткичларини таҳлил қилиниб, суғориладиган майдонлар учун юмшоқ буғдойнинг UZ15PC-58 тизмаси энг юқори ҳосилдорлик (72,7 ц/га) кўрсаткични қайд этди. Танлаб олинган дурагай тизма давлат навсиновига топширилди.

**ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:**

1. Dilmurodovich DS va boshqalar. YOG`MORLI MAYDADLAR UCHUN ERTA PUL VA UNDORLI QIZIQ NON BUG`DAYNING YANGI LINALARINI TANLASH //Konferentsiya zonasi. – 2022. – S. 45-54.

2. Boysunov N. B. et al. DIALLEL ANALYSIS FOR 1000-KERNEL WEIGHT IN WINTER WHEAT //Фундаментальные и прикладные научные исследования: актуальные вопросы, достижения и инновации. – 2021. – С. 52-54.

3. JURAEV DT va boshqalar. O'zbekistonning janubiy hududlarida bug'doy genotiplarining fermer xo'jaliklariga issiq-quruq shamolning ta'siri //O'simlik hujayralari biotexnologiyasi va molekulyar biologiya. – 2021. – S. 34-49.

4. Juraev DT va boshqalar. Non bug'doyining gibrid avlodlarida qimmatli iqtisodiy xususiyatlarning merosxo'rligi // Ruminiya Hujayra Biologiyasi Jamiyatining yilnomalari. – 2021. – S. 2008-2019.

5. Дилмуродов Ш. Д., Каюмов Н. Ш., Бойсунов Н. Б. Значение биометрических и продуктивных показателей при создании пшеницы с комплексом ценных свойств //Life Sciences and Agriculture. – 2020. – №. 2-3. – С. 50-54.